

# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 25-ИЙУЛ, ПАЙШАНБА, 90 (8171)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Bahosi kelishilgan narxda.

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ФАРМОНИ

### ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳалларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

#### «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдусағатова Иноят** — Олмазор туманидаги «Эски шаҳар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Иноятова Назира Саидазизовна** — Шайхонтохур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Кенжаева Шакар Махаматовна** — Иштихон туманидаги «Кўнғирот» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

**Холбаева Мархамат Ниматовна** — Олмалиқ шаҳридаги Аҳмад Ясавий номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Юлдашева Тожира Ўктамовна** — Хўжабод туманидаги «Шаҳрихонсой» шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андихон вилояти

#### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуваҳидова Хатира Сотволдиевна** — Норин туманидаги «Тегирмонбоши» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Бердибаева Замира Жумамуратовна** — Нукус туманидаги «Саманбай» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жанкуватова Раъно Нармуратовна** — Нукус туманидаги «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

**Садикова Матлуба Камилловна** — Қўқон шаҳридаги «Қаймоқли гузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Саидмуротова Ўғуллой** — Сарийўли туманидаги «Бўйрағўш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

#### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Аслонова Гулчехра-хон Исматовна** — Хатирчи туманидаги «Жалоир» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Навоий вилояти

**Жўраева Бахмал Искановна** — Бахмал туманидаги «Сарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Рахматова Адалат** — Сирдарё туманидаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти  
(Давоми 2-саҳифада)

Андижон Вилояти



## СЕРДАРОМАД СОҲА



ртимизда аҳолини парҳез, дармондориларга бой, саломатлик учун фойдаланиш балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари кўламини тобора кенгайтириб бормоқда. Бунда эркин ишбилармонлик муҳити асосида маҳаллий табиий шарт-шароитдан унумли фойдаланиб балиқ етиштирилган фермер хўжаликлари улуши катта бўлаётир.

Хўжабод туманидаги «Ҳамроқулхожи» фермер хўжалиги балиқчиликка ихтисослашган. Мазкур фер-

мер хўжалиги ўз фаолиятини қаровсиз ётган бир гектар зах ерда сунъий қўл ташкил этиш билан бошлаган эди. Эндиликда сунъий ҳавза майдони 1,5 гектардан ошган. Унда дўнгпешона, амур ва сазан каби балиқлар етиштирилмоқда. Ўтган йилда 4,5 тонна маҳсулот сотиб, 20 миллион сўм соф фойда олган хўжалиқда беш киши меҳнат қилмоқда.

**СУРАТДА:** «Ҳамроқулхожи» фермер хўжалиги раҳбари Озодбек Ҳамроқулов.

Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎЗА) олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

**Рустамова Гуландом** — Ҳазорасп туманидаги «Бешта» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

**Хайдарова Назира Муҳидовна** — Пешку туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Давлатов Балтабой** — Гурлан туманидаги «Сахтиён» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

**Ибрайимова Гулчехра** — Жалолқудуқ туманидаги «Файрат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Казакова Азиза Тургуновна** — Қўштепа туманидаги «Фиштон» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Каримова Райхон Ҳақбердиевна** — Муборак туманидаги «Курувчилар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

**Каримова Шахриниса Акрамовна** — Фаллаорол туманидаги «Булоқбоши» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Маматова Уразгул Эрматкуловна** — Боёвут туманидаги «Қарапчи» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

**Муминова Якутхон Шукриллаевна** — Зангиота туманидаги «Иқбол» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

қаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Оманова Раҳимахон** — Уйчи туманидаги «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Оттебергенова Оразгул Тилепбаевна** — Кегейли туманидаги «Жузим бағ» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Палванова Мархабо Умирзоковна** — Навоий шаҳридаги «Матонат» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Навоий вилояти

**Сафарова Лутфия Шаниязовна** — «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти бўлими бош мутахассиси

**Сирожева Гулшад Исакуловна** — Жомбой туманидаги «Эски Жомбой» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Самарқанд вилояти

**Стенушкина Антонина Николаевна** — Миробод туманидаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Эсанова Рўзибиби Раҳмоновна** — Вобкент туманидаги «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуганиева Раҳима** — Яккасарой туманидаги «Ракат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Аллабергенова Урингул Тухтабаевна** — Тўрткўл туманидаги «Шўраҳон» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Байниязова Зибира Муратбаевна** — Нукус шаҳридаги «Тунғиш қонис» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бекниязова Бустон Баратовна** — Қарши туманидаги «Равот» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

**Бойматова Тошбиби Тоғоевна** — Денов туманидаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

**Гаппаров Уролбой Каримович** — Булунгур тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Жуманова Арафат Хатамовна** — Учқудуқ туманидаги «Навоий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Иззатуллаева Мавжуда Раҳматовна** — «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Каттақўрғон шаҳар бўлими бош мутахассиси, Самарқанд вилояти

**Исматова Аддибахон Косимовна** — Избоскан туманидаги Т.Мамажонов номи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Ишмухамедова Муаттар Юлдашевна** — Учтепа туманидаги Алихонтўра Соғуний номи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Каюмов Камил Адилевич** — Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Комилова Саломат Азиевна** — Қорақўл туманидаги «Дўрмон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**Куватова Саломат** — Ар-

насой туманидаги «Чўлқувар» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Маллаева Минураҳон Араббаевна** — Олтинқўл туманидаги «Миробод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Маматкаримова Мавлюда Ҳакимовна** — Гулистон туманидаги «Деҳқонобод» шаҳарча фуқаролар йиғини масъул котиби, Сирдарё вилояти

**Мансуров Собит Мамаджанович** — Наманган шаҳридаги «Шаршара» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Мейлиева Раъно Абдуракуловна** — Ангор туманидаги «Корасув» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

**Олимова Азиза Соатовна** — Поп туманидаги «Марғизор-2» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Оппоқова Муқаддам Эшондедаевна** — Чортоқ туманидаги «Ҳазратишоҳ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Рахимов Одилжон** — Пахтаобод туманидаги «Терактаги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Раҳимова Муҳаббат Ермонкуловна** — Данғара туманидаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси раиси, Фарғона вилояти

**Суванова Саида Тўллабековна** — Бекобод туманидаги «Зафар» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**Тошкент шаҳри,  
2013 йил 24 июль

**Тиллабоева Карима Ахмедовна** — Қўшқўпир туманидаги 2-маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Хоразм вилояти

**Улгова Муқарамхон Кудратовна** — Қибрай туманидаги «Тараққий» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Умарова Чучук Саидовна** — Китоб туманидаги «Севаз» қишлоқ фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси раиси, Қашқадарё вилояти

**Усарова Шаҳодат Кимсановна** — Тошлоқ туманидаги «Кумқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Усмонова Этиборхон Ахмадхонна** — Фарғона туманидаги «Дамқўл» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Фарғона вилояти

**Ҳайткулова Рано Абдулқосимовна** — Ангрэн шаҳридаги «Улғубек» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Ҳамроева Саломат Бомуродовна** — Бухоро туманидаги «Ойбек» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**Шодиева Ноботой** — Қўшрабод туманидаги «Янгиқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

**Якубова Ойқарам Тажимуратовна** — Шовот туманидаги «Арбоблар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

И.КАРИМОВ

## ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ



Буни шу кунларда жойларда энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига кўрилаётган тайёргарликда ҳам кўриш мумкин. «Қадр-қиммат, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган ғояни ўзида мужассам этган ушбу байрамни муносиб кутиб олишга катта тарадуд кўрилмоқда. Бу жараёнда Президентимизнинг 2013 йил 12 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори муним дастуриламал вазифасини ўтаётир.

МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН УЛКАН ЯНГИЛАНИШЛАР, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАГИ НУФУЗИНИНГ ЯНАДА ЮКСАЛИШИ, ОДАМЛАРИМИЗ ОНГУ ТАФАККУРИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР, УЛАРДАГИ ФАОЛЛИК, ШУ ВАТАНГА, УНИНГ ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ, БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ, ЭНГ АВВАЛО, МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ – САМАРАСИДИР.

Истиқлол берган имкониятлар, ўтган даврда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, ислохотлар самарасини тарғиб этишга бағишланган, одамларнинг қалбига етиб борадиган, кайфиятини кўтарадиган, уларни янги-янги марраларга чорлайдиган тадбирлар, анжуманлар ташкил этилмоқда.

Аввало, ушбу шиорнинг мазмун моҳияти ҳақида икки оғиз сўз. Қадр, қадр-қиммат сўзлари тилимизда орномус, шаън, орият, ҳамият, диёнати каби қанчадан-қанча муқобил маъноларни англатади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар биримизни маънавий қиёфамизни кўрсатадиган сермазмун тушунчадир.

Ўзбекистон фуқароларининг қадр-қиммати қонун ҳимоясидадир. Яъни, қадр-қиммат юридик мазмунга эга бўлиб, миллий қонунчилигимизда инсоннинг шахсий мулки ҳисобланади. Қадр-қимматни ҳимоя қилиш эса номоддий фаровонликни таъминлаш усулига кириди. Қиммат сўзи қўшилганда қадрнинг даражаси жуда баланд эканлиги англашилади. Бу икки сўз бирлашиб, «жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин», «ҳеч нарсага сотиб олиб бўлмайдиган, яъни баҳоси йўқ, бебаҳо, қадрли, азиз» деган чуқур тушунчаларни англашиб келмоқда. Бу сўзлар мустақил Ўзбекистонга қарата айтилаётганининг боиси шунда. Бу истиқлол йилларида дунё ичра Ўзбекистон каби юртдошларимизнинг ҳам

қадр-қиммати қанчалик юксалгани, ватанпарварлик туйғуси шунга мос даражада ўсганининг ёрқин исботидир.

Таянчим – ўзингсан Ватан! Бу дунёда таянчи йўқ, айниқса, Ватандек беминнат, мустақкам ва абадий таянчи бўлмаган инсон энг ожиз ва заиф, энг бахтсиздир.

Ватан ифтихори эса олий туйғу. Мана халқимизнинг буқилмас иродасига таяниб, асрлар бўйи давом этган қуллик ва қарамлик занжиридан озод бўлиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олган ўша мўътабар санага 22 йил тўлмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йили – тарихан қисқа, айни чоғда мазмун жиҳатидан ҳар қуни асрларга титиғулик давр.

# ЮКСАК НАТИЖАЛАР ВА КЕНГ КЎЛАМЛИ ВАЗИФАЛАР

**Жойларда жорий йил биринчи ярмида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари ижросининг боришига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ер-ниязов бошқарган йиғилишда ҳудудда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини таъминлаш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфраструктурасини изчил ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Ҳисобот даврида Қорақалпоғистонда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,1, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,1, халқ истеъмоли моллари ҳажми 19,5, қурилиш ишлари 10,2, хизматлар кўрсатиш 11,4, савдо ва умумий овқатланиш ҳажми 13,6 фоизга ўсди. Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 916 миллиард 486 миллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2013-2015 йилларга мўлжалланган дастурида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида умумий қиймати 387,2 миллион АҚШ долларига тенг 3 минг 225 лойиҳани амалга ошириш ва 13 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Жорий йилнинг олти ойи давомида 28,4 миллион АҚШ доллари миқдоридида инвестиция киритилиб, 741 лойиҳа амалга оширилди ва 2 минг 718 янги иш ўрни яратилди.

Фаоллар йиғилишида эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли идоралар раҳбарларининг масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда аҳоли пунктларининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида турар-жойлар қуриш, касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам ат-

рофлича муҳокама қилинди. “Обод турмуш йили” Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг Қорақалпоғистон Республикасида бажарилиши кўриб чиқилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.** Вилоят ҳокими З.Мирзаев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилиши натижасида вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминлангани таъкидланди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,6 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигида 6,6, қурилиш-пудрат ишларида 10,1, чакана савдо айланмасида 16,2, жами хизматларда 20,6 ва пуллик хизматлар кўрсатишда 14,7 фоиз ўсишга эришилди.

Кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 70,9 фоизни ташкил этди. Тасдиқланган дастурлар доирасида қишлоқ жойларда 72 чакана савдо, 28 умумий овқатланиш, 102 маиший хизмат объекти ишга туширилди. 28 массивда намунавий лойиҳалар асосида 1050 уй-жой қурилиши бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Бандлик дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида жами 48 минг 680 янги иш ўрни яратилди. Бу янги иш ўринларининг 38,9 мингдан ортиғи қишлоқ жойларида ташкил этилди.

Эришилган натижалар билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишига етарли эътибор қаратилмаслиги оқибатида бешта йирик корхонада саноат маҳсу-

лотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан пасайган. Йиғилишда бу каби камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Самарқанд вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.** Вилоят ҳокими Б.Юсуповнинг қайд этишича, ўтган ярим йилда вилоят иқтисодиётининг барча соҳасида макроиқтисодий барқарорлик таъминланган ва ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,3 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,3, қишлоқ хўжалиги 6,6, қурилиш ишлари 9,7, чакана савдо айланмаси 19,7 ва пуллик хизматлар ҳажми 17,1 фоиз ўсган.

2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2031 лойиҳа амалга оширилиб, 53 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Бандлик дастурига мувофиқ 38,7 минг янги иш ўрни яратилди.

Тахлили ва танқидий руҳда ўтган йиғилишда фаоллар эътибори асосан ҳисобот даврида йўл қўйилган бир қатор камчиликларга қаратилди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Наманган шаҳридаги “Наманганмаш”, “Карбонам”, Норин туманидаги “Норин тола”, Поп туманидаги “Поп Фен” корхоналарида ўтган йилга нисбатан камайишига йўл қўйилган.

Ярим йил давомида бир неча туманда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилмаган. Мингбулоқ ва Учкўрғон туманларида ҳанузгача минтақа тасарруфидаги экспорт қилувчи корхоналар мавжуд эмас, ўтган 6 ойда ҳар икки туманда маҳсулот экспорти бажарилмаган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури асосида янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш ҳисобида яратиладиган иш ўринлари миқдори Тўрақўрғонда 3,4, Мингбулоқда 3,5, Учкўрғонда 4,2 фоиз паст кўрсаткичларни ташкил этган.

Йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ.** Вилоят ҳокими П.Бобононов бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада ривожлантириш, иқтисодиётни модернизациялаш, янги қувватларни

ишга тушириш, мақсадли дастурлар ижросини таъминлаш, туризмни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида вилоятда салмоқли натижаларга эришилаётгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 9,7 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,1, қурилиш ишлари ҳажми 13,1 фоиз ўсишига эришилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида вилоятда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 8,1 фоиз, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 13,4 фоиз, чакана товар айланмаси 11,2 фоиз, жами хизматлар ўсиши 17,5 фоизни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 ноябрдаги 2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарорига асосан жорий йилнинг ярмида 776 лойиҳа амалга оширилиб, 76,6 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди ва 4 минг 354 янги иш ўрни яратилди. Ҳудудий корхоналар томонидан 3,1 миллион доллар миқдорида экспорт ишлари амалга оширилиб, белгиланган режа 132,8 фоизга бажарилди.

Ўтган даврда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 148,9 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада, янги иш ўринлари 30,7 мингтага кўпайди.

Йиғилишда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 271,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Йиғилишда 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида саноат, сервис, хизмат кўрсатиш ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам чуқур таҳлил этилди.

Бу борада Янгиарик, Хива, Гурлан, Қўшқўпир, Шовот туманлари ва Урганч шаҳрида белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида бажарилмаётгани аниқ миқдор асосида кўрсатиб ўтилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва йилнинг иккинчи ярмида энг муҳим устувор вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди.**

# ТАРҒИБОТИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Қадр-қиммат. Таянч. Ифтихор. Бугун халқимиз том маънода халқчил сўзлар мужассамлашган кутлуғ байрамимиз шиорини қалб тўрида қайта-қайта такрорланмоқда. Байрам тантаналарига “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” деган гоя кўтарингчи руҳ ва шуқуқ бағишламоқда. Зотан, истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда эришилган улкан ютуқлар бу сўзларнинг бежизга айтилмаганини яққол исботлаб турибди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимини ва касб маҳоратини оширишга бағишланган “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” мавзусида ташкил этилган ўқув-семинарда ҳам бу борада атрофлича сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА, Миллий телерадиокомпания, “Жаҳон” ахборот

агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, ташкилот ва идоралар матбуот хизматлари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазратқулов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Фуломов, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Мухаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши қадр-қимматимизни тиклаш, ўзлимизни англаш, озов ва обод Ватан, фаровон жамият барпо этиш борасидаги изчил ишларда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Юртимизнинг мустақиллиги, энг аввало, ҳар биримизга эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқини берди. Мамлакатимиз-

да инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало, инсон учун” деган олижаноб даъват халқимиз юрагига чуқур кириб бориб, истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётгани бунинг ёрқин исботидир.


Юртимизда, халқимиз ҳаётида рўй бераётган ана шундай улкан ўзгаришларни мамлакатимиз ва хорижда кенг ёритиш, ислохотлардан аҳолининг баҳрамандлик даражасини ошириш журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу журналистдан, ўз навбатида, мутахассислиги билан бирга замонавий ахборот технологиялари ва хорижий тилларни яхши билишни, ватанпарварлик ҳисси билан яшаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишни, доимо оғоҳ ва фаол бўлишни талаб этади.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ана шундай талабларга тўла жавоб бера оладиган мутахассис бўлиши ва эркин фаолият юритиши учун юртимизда барча ша-

роитлар яратилган. Хусусан, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, соҳага янги технологиялар ва бозор иқтисодиёти механизмларини кенг татбиқ этишга доимий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида мазкур йўналишда давлат тузилмалари билан бирга нодавлат теле-радиоканаллар ва матбуот нашрлари тармоғи ҳам изчил ривожланаётир.

Сирасини айтганда, бу каби ўқув-семинарлар мустақиллигимизнинг 22 йиллик тантаналари “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори бош мавзу этиб белгиланган айни дамларда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, эришилаётган ютуқлар ва самараларнинг оммавий ахборот воситалари орқали журналистларимиз томонидан содда ва равон тилда халқимиз қалбига етиб борадиган тарзда ёритиш масъулиятини юклайди, маҳорат ва фидоиликни талаб этади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА, “Qishloq hayoti” муҳбири.**

 Тошкент вилояти

**М**устақиллигимизнинг йигирма икки йиллик байрамига қизгин тайёргарлик кўрилатган айни кунларда хўжалигимиздаги юмушлар кун сайин авж олдириляпти. Хўжалигимиз аъзоларининг кайфиятлари эса ҳар қачонгидан кўра кўтаринки. Сабаби, галламиз ҳар йилгидан яхши бўлди. Ялпи хирмонимиз 350 тоннадан ошди. Ҳосилдорлик гектарига 70 центнерни ташкил этди.


## ЭЪТИРОФ МУСТАҚИЛЛИК БИЗНИ МУЛҚДОР ҚИЛДИ

Эндиликда 60 гектар майдондаги ғўза ҳосилдорлигини ошириш учун бор куч-ғайратимизни ишга соляпмиз. Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беряпмиз. Дарвоқе, бугун турли русумдаги катта-кичик техникалардан 10 дан зиёдага эгамиз.

Шу пайтгача эришганларимни сарҳисоб қилганимда, хаёлимда “Ким эдим-у ким бўлдим?” деган савол чарх уради. Бундан икки йил аввал Юртбошимиз вилоятимиздаги фермерлар билан учрашганларида, менга “Қани айтинг-чи, мустақиллик сизга нима берди?” деган савол билан мурожаат қилган эди. Ушанда мен ҳеч иккиланмай, “Мустақиллик менга мулкдор бўлиш ҳуқуқини берди”, деб жавоб қайтарганим.

Бугун мамлакатимизда қишлоқ мулкдорлари учун яратиб берилган қулай имкониятлар натижасида фермерлик ҳаракати ҳар қачонгидан ривожланиб бормоқда. Кўп тармоқлилик асосида иш юритишни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Биз ҳам шу йўналишда аллақачон иш бошлаб юборганмиз. Ғалла ва пахтадан ташқари, олти гектар ерда мевали боғ барпо этганмиз. Олма ва олхўриларнинг нави яхши эканлиги учун ҳосили ҳам мўл. Боғимиз ҳосилини ўзимизда қайта ишлаш учун цех ташкил этишни мўлжаллаяпмиз. Қарийб 100 бош қорамолга мўлжалланган янги фермани қуриб битказдик. Шу кунларда хориждан 35 бош зотли сигир келтириш тадоригини кўряпмиз. Қолаверса, келгусида сут ва гўштни қайта ишлашни йўлга қўйиш ниятимиз бор. Режамиз — икки йилда насли қорамоллар сонини 100 бошдан ошириш. Шунинг баробарида 10 мингта паррандага мўлжалланган паррандахона ҳам ҳадемай қуриб битказилади. “Тошкентпарранда” ҳиссадорлик жамияти билан жўжа келтириб, парҳез гўшт етиштиришга келишувимиз бор. Бундан ташқари, 1 гектарлик ташландик жойни тартибга келтириб, истиқболда балиқчиликни йўлга қўйиш, саноатни қишлоққа олиб кириб, томат пастаси ишлаб чиқаришга киришни йўляпмиз. Бунинг учун ҳамма имкониятларимиз бор. Иссиқхона қуриб, кўчатни ўзимиз етиштирамиз. Очиқ майдонларга помидор экиб, йилига 600 тоннагача ҳосил олиш, қадоқлаб, томат пастасини маҳаллий бозорга ва хорижга чиқариш мумкин. Юртимизда биз каби қишлоқ мулкдорлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Бундай қулайликларнинг ҳаммаси истиқлол ато этаётган улун неъматдир.

**Абдумалик КАРИМОВ,**  
**Оққўрғон туманидаги “Покиза-М”**  
**фермер хўжалиги раҳбари,**  
**“Дўстлик” ордени соҳиби.**

 Самарқанд вилояти

## ФЕРМЕР ҲАММАСИГА УЛГУРМОҚДА

ФЕРМЕРЛАР ЎЗ ОРЗУ-ҲАВАСЛАРИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА ДОИМО СОБИТҚАДАМ. АЙНАН ШУ САБАБЛИ УЛАР ЎЗ МЕҲНАТИДАН БАРАКА ТОПАДИЛАР.

**Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фермерларни ўз имкониятларини тўлиқ сафарбар этишга, улардан оқилона ва самарали фойдаланишга ундамоқда.**

Айни пайтда туманимиздаги 893 та фермер хўжалигининг 634 таси пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Яна 72 таси чорвачилик билан шуғулланади. Балиқчилик, асаларичилик, паррандачиликни йўлга қўяётган фермерларимизнинг сони ҳам ошиб борапти.

Хусан Ҳайдаров раҳбарлигидаги “Фирдавс-Фаррух-Ҳайдаров” фермер хўжалиги ғалла ва пилладан мўл ҳосил олиш билан бирга балиқчилик ҳамда беданачиликни йўлга қўйди. У энди ресторан қурапти.

Фермер ўтган йили 25 тонна балиқ сотди. Уйда 8 мингта беданаси бор. Уларни кичик уячаларга 10-15 тадан жойлаштирган. Кунига 5-6 минг дондан тухум олади. У бугунги кунда қўшни

вилоятларни ҳам бедана гўшти ва тухуми билан таъминляпти. Лекин балиқчилик, беданачиликни йўлга қўйди, деб бошқа соҳаларни ташлаб қўйгани йўқ. Ўтган йили пахтачиликда ҳосилдорликни 31 центнердан оширди. Жорий йилда пилла топшириш режасини 105 фоизга уддалади.


Гўзалкент ҳудудидаги “Қудрат замини дурдонаси” фермер хўжалигининг раҳбари Абдор Элмуродов “Ташаббус-2013” кўрик-танловининг вилоят босқичи голибидир. У 130 гектар ерда деҳқончилик қилади. Фермер хўжалиги ташкил толган 2007 йилда жамoa 5 нафар кишидан иборат эди. Бугунги кунда бу ерда 45 нафар киши иш билан таъминланган.

Фермер 6 та “МАН” юк машинаси, 2 та экскаваторга эга. Бу техникалар йўл қурилишида ижара асосида ишлайди. Техника хизмати, нон ишлаб чиқариш шохобчаси ҳам фермерга дурустгина даромад келтиряпти. Шижоатли фермер Абдор Элмуродов балиқчилик ва чорвачиликни ҳам ташкил этган.

“Бешбола” фермер хўжалигида эса 313 та қорамол мавжуд. Уларнинг 113 таси соғин сигирлар. 10 мингта яқин паррандаси бор. 2 та “КамАЗ”, 2 та “Олтой” ва яна 6 та бошқа турдаги техникалари билан миқозларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Ёнилғи қўйиш шохобчаси, дўкон, тегирмон ишлаб турибди. Фермер хўжалиги раҳбари Вафоқул Каримовнинг ишбилармонлиги шундаки, у 100 дан зиёд кишини доимий иш билан таъминлаган.

Айни пайтда туманимизда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони 158 тага етди. Фермерларимизнинг ишбилармонлиги, изланувчанлиги ҳаётимизнинг янада обод бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Раҳматулла КЎМАКОВ,**  
**Самарқанд вилояти Пастдаргом**  
**тумани фермерлар кенгаши раиси.**

 Қашқадарё вилояти

▼ НОЗ-НЕЪМАТ БУНЁДКОРЛАРИ

## КЎҚДАЛАЛИК ПОЛИЗЧИЛАР ҒАЙРАТИ

**Чироқчи туманининг Кўқдала ҳудудида полиз экинлари етиштириш ва ундан мўл ҳосил олишнинг ўзига хос мактаб яратилган. Бу борада фермер ва деҳқон хўжаликлари эришаётган ютуқлар янада салмоқли бўляпти. Мустақиллик барча соҳада бўлгани сингари полизчиликда ҳам катта имкониятлар эшигини очиб берди. Ота-бобоси дончилик ва чорвачилик билан машғул бўлиб, ер, сувдан фойдаланиш борасида ўзига хос тажриба тўплаган соҳибкорлар лалми ерларда ер ости қудуқларидан обиҳаёт олиш эвазига полиз экинларидан мўл ҳосил етиштиришяпти.**

— Бизнинг Кўқдала ҳудудимизда бу борада катта ишлар амалга ошириляпти, — дейди туман ҳокими Камол Равшанов. — Кўқдалада 1200 гектар, Аҳмад Яссавий ҳудудида 300 гектар, “Чиял”да 500 гектар, “Чорвадор” хўжалигида 200 гектар майдонда эрта баҳордаёқ полиз экинлари экилиб, плёнка остида парваришланди. Натижада 15-20 майдан бошлаб тарвузлар бозор ристаларига чиқарилди. Эътиборли томон шундаки, бу борада деҳқонлар даромади чакки эмас. Ҳар гектар майдондан улар 10-12 миллион сўм даромад қилишяпти.

Биз туман раҳбари тавсияси билан Кўқдала ҳудуди томон йўл олдик. Бир вақтлар чўлу биёбонлардан иборат бўлган бу ерлар ҳақиқий кўм-кўк либосга бурканиб, исми-жисмига монанд Кўқдала номини олган. Еттигим томон бораётган асфальт йўлнинг икки томони дов-дарахтлар, мевали боғлару полизорлардан иборат. Еттигим чорраҳасида Самарқанд, Тошкент йўналишида тарвуз юкланган автомобиль машиналари навбати билан манзил томон йўл оляпти.

— Биз нафақат ички, шу билан бирга, ташқи бозорни ҳам Кўқдалада етиштирилган тарвузлар билан таъминляпмиз, — дейди ҳамроҳимиз туман ҳокими Камол Равшанов. — Бугунги кунгача хорижлик истеъмолчиларга 2200 тонна тарвуз етказиб бердик. Талаб ва тақлифлар асосида иш юритишимиз катта самара беряпти. Ҳали бу



борада қиладиган ишларимиз кўп. Маҳсулот экспортбоп бўлиши учун уни экишдан то парваришлагача сифат биринчи ўринда туриши лозим. Тарвуз узиш, унинг ёрлигини тайёрлаб, махсус картон идишга жойлашгача бўлган жараёни бевосита шу ернинг ўзиде бажаришимиз талаб этилади. Албатта, бу борада тажрибали соҳибкорлар ҳам йўқ эмас, — дея туман раҳбари Ўтамайли қишлоғилик Жуманазаровлар даласти томон бошлади.

Бизни полвон келбат 38-40 ёшлар атрофидаги йигит қарши олди. У ўзини “Жуманазаров Жамшид Ражабович” фермер хўжалиги раҳбари Жамшид Назаров деб таништирди. Қишлоқ мулкдори мақсадимизни англагач, бу йил биринчи марта 6 гектар майдонда тарвузнинг Голландиядан келтирилган навини экканлиги, дастлаб кўчатни иссиқхонада ўстириб, беш-олти кулоқ бўлгач, март ойи бошида далага олиб чиқиб экканлигини айтди. Икки қаватли плёнка остида ўстирилган тарвуз экинни май ойи ўртаси, июнь ойи боши билан эл дастурхонига тортиқ этилди. Гектаридан биринчи теримда 15 тоннадан, иккинчи теримда эса 10 тоннадан ҳосил олинди, даромад ҳам шунга яраша бўлди. Нафақат ички, шу билан бирга ташқи бозорга ҳам маҳсулот етказиб берилди.

— Биз лалми ерларда тарвуз етиштириш билан 1996 йилдан буён шуғулланамиз, — дея сўхбатга қўшилди деҳқон хўжалиги бошлиғи Улуғбек Жу-

маназаров. — 2 гектар ерда Тошкентдаги фирмадан келтирилган тарвузнинг серхосил голланд уруғини дастлаб иссиқхонада кўчат қилиб етиштирдик. Сўнг эса лалми ерда парвариш қилдик. Айниқса, жорий йилнинг 8 мартдаги совуқ ҳаво, қалин қор ёққанлиги бизни бироз шоширди. Бироқ “Кўз кўрқоқ — қўл ботир”, деганларидек, 11 мартда ниҳолни қайтадан эдик. Ўз вақтида экинни парваришлас тўфайли эртаги, сифатли тарвуз етиштирилди. Ҳосилни саралаб узиб, буюртмачилар талаб ва истаги асосида етказиб бердик. Ҳар гектар майдондан 15-16 миллион сўмдан даромад олинди. Бизда етиштирилган тарвузларга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона водийси ва бошқа ҳудудлардан, шунингдек, хориждан ҳам буюртмачилар бор. Улар даламизда бўлиб, ўзлари маҳсулотнинг юқори сифатлигини кўргач, келишилган нархда харид қилишади.

Ҳа, туманининг Кўқдала ҳудудидаги полизчилар ҳаётида ана шундай қайноқ жараён ҳукмрон. Гала, Талоқтепа, Мойлижар, қўшни Косон туманининг Олатўн, Райимсўфи қишлоқлари ҳам тарвуз етиштиришда донг таратишмоқда. Шоқир Хуррамов, Жавоҳир Холбоев, Зафар Алматовлар бошиқ фермер, деҳқон хўжаликлари етиштирган ноз-неъматлар эл дастурхонига файзу-барака бағишламоқда.

**Хусан ТЕМИРОВ,**  
**“Qishloq hayoti” муҳбири.**



# Уяли телефон – ёт ғоялар «уяси»ми?

**Ҳар ким ўз хоҳлаган динига эътиқод қилиш эркилиги мамлакатимизнинг Бош қомуси билан мустақамлаб қўйилган. Аммо, фуқароларга диний таъсир ўтказиш, уларни бир диндан чиқиб, бошқасига киришга ундаш, шу мақсадда турли диний мазмундаги адабиётларни тарқатиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш амалдаги қонунларга кўра мумкин эмас.**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ давлат қурилишига қарши, худудий бирликни, давлат суверинети ва сиёсий мустақилликни бузишга йўналтирилган, уришни, террорни, диний қарама-қаршиликни, миллатчиликни, расизмни (антисемитизм, фашизм) тарғибот қилувчи қўлбўйлар ҳамда порнографик мазмундаги расмлар, фото, фотоплёнкалар, негативлар, кино, видео ва аудио маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тақиқланган.

Яна бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат – “Виждон эркилиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспер-

тизадан ўтказилганидан кейингина амалга оширилиши таъкидлаб ўтилган.

Яъни, диний адабиётларни, олиб келиш, сотиш ва тарқатиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг рухсати билан амалга оширилади. Бунда қўмита экспертлари бошқа давлатлардан республикамизга олиб кириладиган диний мазмундаги медиа ва матбаа маҳсулотларини ўрганиб чиқиб, уларни республикамиз ҳудудида сотиш, тарқатиш ва намойиш қилиш юзасидан ҳал қилувчи хулосаларини беришади.

Акс ҳолда, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастилик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Аммо, айрим шахсларнинг мазкур тартибларга риоя қилмай, турли диний мазмундаги материалларни ноқонуний равишда республикамизга олиб киришга ундаётган сабаб нимада? Диний билимларни эгаллашга бўлган қизиқишми ёки қандайдир моддий манфаатдорлик?

Дарвоқе, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан ҳаётиямизга кириб келиши ахборотнинг кенг қамровда қулай ва эркин ёйилишига хизмат қилмоқда. Аммо, танганинг иккинчи томони бўлгани каби, ахборот технологиялари имкониятларида “унумли” фойдаланаётган қонунбузарлар ҳам йўқ эмас. Мўъжазгина “флешка”, қўл телефони ёки дискка ўнлаб, юзлаб диний адабиётлар жо бўлишини инобатга олсак, сохта диншуносларнинг диний адабиётларни қўл юклари орасига яширганча олиб кириб, таваккал қилишларига эндиликда ҳолат қолмаяпти!

Республикамиз божхоначи-

лари томонидан эса диний адабиётларни турли йўллар билан ноқонуний олиб ўтилишига қарши мунтазам чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Урганч аэропортида Москвадан қайтган янгиариклик Р.Собиров қўл телефонига ёзилган ва олиб кириш учун тегишли рухсатномага эга бўлмаган диний мазмундаги 75 дона аудио материалларни олиб киришга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

Сурхондарё вилояти божхоначилари томонидан ҳам шу турдаги бир неча қонунбузарлик ҳолатлари фош этилди. Хусусан, “Москва-Термиз” йўналиши бўйича парвозини якунлаган деновчи Р.Ниязмуродов божхона баённомасида ва божхона инспекторининг оғзаки сўровида маълум қилмасдан туриб, қўл телефонининг хотира картасида 41 дона диний мазмундаги маърузаларни олиб киришга урингани фош қилинди.

“Сариосиё” чегара божхона комплекси ходимлари томонидан эса қўл телефонига ёзилган диний мазмундаги 102 дона аудиоматериалларни ноқонуний тарзда олиб ўтишга уринган қўшни давлат фуқароси С.Ходжиевнинг қинғир хатти-ҳаракатларига нуқта қўйилди.

Шунингдек, юртимиз орқали ўтаётган қўшни давлат фуқаролари Х.Иброгимов қўл телефони ва DVD дискларда 139 дона, Н.Гадовев эса 189 дона диний материалларни яширин йўллар билан олиб ўтишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

Навий халқаро аэропортида божхоначилар томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда бухоролик Б.Усмоновнинг қинғир қилмишлари фош этилди. Қарангки, ушбу қонунбузар нафақат 11 дона диний мазмундаги материалларни, балки 138 дона беҳаё видео тасвирларни ҳам нетбукига жамлаган ҳолда олиб киришга уринган экан.

Андижонлик божхоначилар томонидан аниқланган яна бир қонунбузарлик ҳолатида эса “Дўстлик” божхона комплекси орқали юртимизга кириб келаётган фарғоналик Б.Нурматов томонидан араб ва рус тилларидаги 145 дона диний видеороликларни қўл телефони орқали олиб кирилишига чек қўйилди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам шу турдаги бир неча қонунбузарлик ҳолатлари фош этилди. Жумладан, “Ойбек” божхона пости орқали юртимизга кириб келаётган қўшни давлат фуқароси Н.Салоҳутдиновага электрон планшетини 157 дона диний мазмундаги видео материаллар билан бойитгани “панд” берди.

Янгийўллик Л.Баратованинг ноутбукни эса ҳеч иккиланмай диний мазмундаги материаллар “омбори”га қиёслас бўлади. “Фишткўприк” божхона комплекси ходимлари томонидан мазкур ноутбук ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, унда диний мазмундаги “Microsoft Word” форматда ёзилган салкам 14 минг дона рус тилидаги материаллар, 504 дона аудио ва 1 дона видео материаллар борлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 608 та қонунбузарлик ҳолатларида турли шаклдаги салкам 32 минг дона диний адабиётлар ва материалларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**Хусен ТАНГРИЕВ,**  
Давлат божхона қўмитаси  
Матбуот хизмати катта  
инспектори.

## ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТИ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги Термиз Давлат Университетининг 400 ўришли 3-сонли ётоқхонасининг 3-4-қаватларини мукамал таъмирлаш.

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан бирга – 628,377 млн. сўм, ҚҚСсиз – 523,647 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 90 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти Термиз Давлат Университети. **Манзили:** Термиз шаҳри Ф.Хўжаев кўчаси 43-уй. **Тел.:** (8-376) 222-89-40.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Термиз Давлат Университетининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шарт-**

**ларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг так-

лифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - «Давар-

**хитектқурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда **Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй**да ўтказилади.

ЭЪЛОН



**«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING XUDUDII FILIALLARI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТADBIRKORLARНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**(Боши 6-саҳифада)**

Талабгорларнинг конвертлари Эллиққалъа тумани ҳокимлиги биносидан 2013 йил 27 август куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 27 август куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор голиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2013 йил 27 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, тақрорий танлов савдолари 2013 йилнинг 11 сентябрь, 26 сентябрь, 11 октябрь, 28 октябрь, 12 ноябрь, 27 ноябрь, 12 декабрь ва 27 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Тақрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 10 сентябрь, 25 сентябрь, 10 октябрь, 25 октябрь, 10 ноябрь, 26 ноябрь, 11 декабрь ва 26 декабрь соат 18:00 да тўхтатилади.

Тақрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Эллиққалъа тумани ҳокимлиги биносидан 2013 йил 11 сентябрь, 26 сентябрь, 11 октябрь, 28 октябрь, 12 ноябрь, 27 ноябрь, 12 декабрь ва 27 декабрь кунлари соат 11:00 да очилади, 2013 йил 11 сентябрь, 26 сентябрь, 11 октябрь, 28 октябрь, 12 ноябрь, 27 ноябрь, 12 декабрь ва 27 декабрь кунлари соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов голиблари аниқланади.

Ер участкалари бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлма-

ган миқдордаги закат пулини ОАТБ "Туранбанк" Нукус филиали х/р: 20208000504920609003, МФО 00585, СТИР 207122519. х/рга тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдордаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманомалар билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

- *юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

- *жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тadbirkor сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

- *танлов ташкилотчисига закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатида нусха;*

- *танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани

Бўстон шаҳри И.Аллабергенов кўчаси 5-уй. тел: (8-361) 222-84-44. user14@inbox.uz. www.1kms.uz. Лицензия: RR:0001.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**  
**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Конимех тумани ҳокимининг 2013 йил 10 июлдаги 02-01/23-сонли алоқа хатига асосан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Сунъий қопламали спорт майдончаси учун Конимех тумани "Дўстлик" МФЙ Кенжаев кўчасидан 1056 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 475 200 сўм.

**2.** Сунъий қопламали спорт майдончаси учун Конимех тумани "Дўстлик" МФЙ Бердақ кўчасидан 1056 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 475 200 сўм.

**3.** Сунъий қопламали спорт майдончаси учун Конимех тумани "Чордара" ҚФЙ С.Каримов кўчасидан 1056 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 475 200 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Конимех тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 26 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Конимех тумани ҳокимлиги биносидан 2013 йил 27 август куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 27 август куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор голиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 27 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, тақрорий танлов савдоси 2013 йил 13 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Тақрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 12 сентябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Тақрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Конимех тумани ҳокимлиги биносидан 2013 йил 13 сентябрь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 13 сентябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов голиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини АТИБ "Ипотека банк" Навоий шаҳар филиалидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт. Х/р:

20208000504920609007; МФО: 00205; СТИР: 207122519.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдордаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманомалар билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

- *юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

- *жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тadbirkor сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

- *танлов ташкилотчисига закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидаги нусха;*

- *танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Навоий вилояти Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. (8-436) 224-15-61, 224-44-01, user07@inbox.uz. Лицензия № RR 0001. www.1kms.uz.

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

**ДТ «ХАЛҚ БАНКИ» БУХОРО ВИЛОЯТИ РОМИТАН ФИЛИАЛИ ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**«Ромитан туманидаги ДТ «Халқ банки» Бухоро вилояти Ромитан филиали маъмурий биносини мукамал таъмирлаш»**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 469 727 385 сўм (ҚҚС билан), 391 439 487 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 8 ой.

**Қурилиш ишлари** буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** ДТ «Халқ банки» Бухоро вилояти Ромитан филиали.

**Манзили:** Ромитан тумани Шафигулина кўчаси 9-уй. Телефон/факс: (8-365) 552-17-33, 552-17-32.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фискаролик-муомала ва ҳуқуқий лавҳатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси кўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй 18-хона. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — офёрталар очирилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очирилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй 18-хона.

**ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! ИКСЕЗ ТАШОБЛҲОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:**

**«Капитальный ремонт участка 0-1 км автомобильной дороги 4Н754 «город Чирчик-поселок Майдонтол» в Ташкентской области».**

**Стартовая цена заказчика составляет – 429 581 105 сум с НДС.**

**Стартовая цена заказчика составляет – 357 984 254 сум без НДС.**

**Срок завершения работ – 2 месяца.**

**Финансирование проекта будет осуществляться за счет бюджетных средств.**

*Размер квот для субъектов малого бизнеса составляет 25%.*

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Заказчик:** Инжиниринговая компания службы единого заказчика Ташкентского областного хокимията

**Адрес заказчика:** г.Ташкент, проспект А.Темура 17. Тел: 236-06-95

**К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ(услуг), гражданская правоспособ-

ность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект А.Темура 19.

Вскрытие оферт состоится по истечении 30 дней со дня публикации объявления.

Ташкент ш. Учтепа т. ДСИДА (30.12.2012 й., Гувоҳнома А 001152) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тadbirkor Муминова Дилобар Ахмадовнага (ИНН 456048397) тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Ташкент ш. Юнусовод т. ТСРҮИ томонидан (31.03.2008 й., гувоҳнома № 001556) рўйхатдан ўтган «PRIDE ONLY SECURITY» МЧЖга (ИНН 300782673) тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Ташкент ш. Хамза т. ТСРҮИ томонидан (004226-07) рўйхатга олинган «BROADWAY ESTATES» МЧЖнинг низом жамгармаси 74 540 841 сўм 58 тиын миқдоридан 62 540 841 сўм 58 тиын миқдоригача камайтирилади.
Угерянный диплом № 047133, выданный в 1997 г. Ташкентским Государственным экономическим университетом на имя Маматовой Кубаро Суяровны, считать недействительным.
ООО «LUCKY AVIA TICKET» (ИНН 302020464), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Янгйольского р-на Ташкентской области (реестр № 1202 от 9.06.2011 г.), расположенное по адресу: ул. Низами 5, ликвидируется (протокол № 4, 11.07.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

ЧПП.П. «ОСИЁ-СЕРВИС» (ИНН 201178570), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского р-на г. Ташкента (реестр № 741, 28.07.1995 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Лисунова д. 4, ликвидируется (решение учредителя № 1 от 3.01.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

«Ташкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» ДУК томонидан Абладжонов Зулфия номидаги Юнусовод-12-1-10 да жойлашган объектга 17.01.2007 й.да берилган 119 сонли маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

РЕКЛАМА



2013 йил 22 июлда

## Moody's Investors Service

халқаро рейтинг агентлиги

### «Асака» Давлат-Акциядорлик Тижорат Банки

рейтингини тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи

## «БАРҚАРОР»

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК Миробод т. хизмати томонидан Мамиева Сайёра Сади қизи номига Миробод т. Х.Мирсалихов кўч. 106-уй учун берилган уй план ҳужжатлари ва 11.05.2005 й.да расмийлаштирилган 1-2171 реестр рақамли олди-сотди шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "GROW BUSINESS PLUS" соошбаёт об умёншени Уставного фонда с 220 220 000 сум до 131 035 000 сум. Справки по тел.: +99 980 178-11-01.

Тошкент ш. Учтепа т.га қарашли 197-ўрта мактаб томонидан 2005 й.да Умарова Кибриё Гапировна номига берилган О'Р-Ш № 0191698 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан (30.02.2009 й., реестр № 982) рўйхатдан ўтган "ARSELOR" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси (СТИР 301049696) хорижий таъсисчиси жамиятдан чиқиши муносабати билан ташкилий-ҳуқуқий шакли "ARSELOR" МЧЖга ўзгартирилётгани маълум қилади. Манзил: Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Кўрғонча кўч. Кичик халқа йўли. Тел.: 292-58-11.

ООО "KOREA TRADE CONSULTING" (ИНН 302405023) зарегистрированное ИПСР хокимията Юкюричиринкского р-на Ташкентской обл. (№ 3747, 18.10.2012 г.) уведомяет кредитороб умёншени своего уставного фонда с 163 000 000 сум до 139 320 285 сум.

ООО "ANGRESEMENT" (ИНН 301526729) в связи с выходом из состава участников – Пирматова Шокира Юлдашевича, ООО "BINOKOR", ООО "ZARMAS INVEST" объявляет об уменьшении уставного фонда с 2 882 000 000 сум до 1 582 600 000 сум. По всем вопросам обращаться по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. Миракилова д. 68 А. Тел.: 256-84-19.

Тошкент ш. Миробод т. ТСПУИ томонидан (реестр № 006354-03, 23.04.2013 й.) рўйхатга олинган Миробод т. Бешкент кўч. 45-уйда жойлашган "TURORJON FAYZ SAVDO" МЧЖ (СТИР 302587644) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 24.07.2013 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 970-45-60 тел. орқали қабул қилинади.



**ҚЎЙ (21.03 – 20.04)**  
Келаётган ҳафта сиз учун жуда омадли келиши кутилмоқда. Аммо бу сизнинг ҳар доимгиданда илдамроқ ҳаракат қилишингизга боғлиқ эканлигини ёдингизда тутинг.

**БУЗОҚ (21.04 – 20.05)**  
Янги даромад манбаи ҳақида ўйланг. Атрофингизда сизни қўлайдиган инсонлар жуда кўп. Бироқ ўз куч ва имкониятларингизга бўлган ишончини йўқотманг.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 – 21.06)**  
Янги яшашингиз учун шароит яратишга маблағингиз етарли. Ўзингиз учун яшайдиган вақт келди. Ишни соғлигингизга эътибор беришдан бошланг.

**ҚИСҚИЧАҚА (22.06 – 22.07)**  
Ҳафта мобайнида янги ғоялар ва ишлар билан банд бўласиз. Юлдузлар шахсий ҳаётингизда ҳам хурсандчиликлар, кайфиятни кўтарадиган воқеа-ҳодисалар бўлишидан дарак бермоқда.

**АРСЛОН (23.07 – 23.08)**  
Янги лойиҳа бўйича билдирган таклифларингиз инобатга олинади. Бу сизга билдирилган ишончдир. Эндиликда билдирилган ишонч ва берилган имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинг.

**ПАЗИЗОД (24.08 – 23.09)**  
Сиз жамоатчилик эътиборини тезда ўзингизга қарата оладиган инсонсиз. Шу боис, юриш-туришингизни қузатувчилар кўп. Ўзингизга бўлган талабчанликни сусайтирмасангиз барчаси жойида бўлади.

**ТАРОЗИ (24.09 – 23.10)**  
Иш фаолиятингизда куч ва имкониятингиз етмаган ишга бош суқмасдан зиммангиздаги вазифани бажаришга ҳаракат қилинг. Ҳужжатлар билан боғлиқ ишларда хушёр бўлишни маслаҳат берамиз.

**ЧАЁН (24.10 – 22.11)**  
Сиз очик кўнгил ва самимий инсонсиз. Аммо сизни ёмон кўрадиғанлар ҳам топилади. Шу боис, атрофдагилар билан муносабатда бироз вазиятга қараб иш тутини ва муомала қилишни ўрганинг.

**ЎҚОТАР (23.11 – 21.12)**  
Сиз атрофдагиларнинг фикрини тезда уйғотиш қобилиятига эгасиз. Муаммоларини эса осонгина ҳал этасиз. Келаётган ҳафтада сизнинг зукколик ва ақл билан иш тутингизга яна бир бор тан беришади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 – 20.01)**  
Шахсий ҳаётингизда иш фаолиятингизда хурсандчиликлар бир-бирига улашиб кетади. Сиз учун ғоят омадли ва самарали келиши кутилаётган ҳафтада ёрдамга муҳтожларнинг ҳам ҳолатини чиқаришни унутманг.

**ҚОВҒА (21.01 – 20.02)**  
Ушбу ҳафта мобайнида меҳнатсевар инсон эканлигингизни яна бир бор исботлашга тўғри келиши мумкин. Асло чўчиманг, сизни қўллаб-қувватловчилар жуда кўп.

**БАЛИҚ (21.02 – 20.03)**  
Бу ҳафтада ҳар доимгиданда кўпроқ харид қилишингизга тўғри келади. Начора, кирим бор жойда қичим ҳам бўлади. Дам олиш кунлари мароқли хордиқ чиқаришга ҳаракат қилинг.

Бош муҳаррир:  
**Чори ЛАТИПОВ**

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агрисаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

#### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарход ОМООНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдивахоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

#### ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Вилоятлар: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама  
ва  
эълонлар:

236-26-50,  
233-28-04.



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи  
муҳаррир:

С.СОЛИЕВА

Мусахҳих:

Д.КАМОЛОВ

Дизайнер:

М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба,  
жума кунлари чиқади.  
Буюртма Г-714,  
ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида  
босилди, қоғоз  
бичими А-3.

Манзилимиз:  
100000, Тошкент,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32-уй

Е-mail:  
info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 21.10  
15844 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг  
ўзида компьютерда  
терилди ва  
саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонасида босилди.  
Манзили: “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5